

“Наврўз” маҳалласида туман сектор раҳбарларининг сайёр қабули ўтказилди



Аҳоли мурожаатларини жойига борган ҳолда тинглаш, ўрганиш ва ҳал этиш мақсадида Термиз тумани “Наврўз” маҳалласида туман ҳокими Шухрат Назаров ва сектор раҳбарлари ҳамда туман Халқ қабулхонаси иштирокида сайёр оммавий қабул ташкил этилди.

Қабулда иштирок этган фуқароларнинг 31 та турли масаладаги мурожаатлари тингланди. Фуқаролар томонидан кўтарилган мурожаатларнинг 10 таси шу ернинг ўзида ижобий ҳал этилди. Ижроси муддат ва қўшимча ўрганиш талаб қиладиган мурожаатлар масъулларга йўналтирилиб, ижроси назоратга олинди.

Сектор раҳбарларининг мутасаддилар иштирокида ўтказаётган сайёр қабуллари аҳолини қийнаб келаётган муаммоларнинг манзилли ечилишига хизмат қилмоқда.